



Узун Иброхим-пошо

1096 хижрий йил Рамазон ойининг 27-санасида (1682 йил 29 сентябр) яничарлар корпуси бошлиги Узун Иброхим-пошо кўмондонлиги остида турк кўшинлари Влколинец калъасини (Словакия) кўлга олди. Бу кўргон Усманийлар минтакада кўлга киритган 29-калъа бўлиб, бу Словакияни тўлик бўйсундиришга олиб келди. Ушбу харбий кампания Усманийлар империясининг асосий душмани Габсбурглар империясига қарши урушга пухта тайёргарлигининг бир қисми эди. Усманийлар армиясининг Европа қалбидаги кампаниясининг авж нуктаси Австрия пойтахти – Вена қамали (1683 йил июль-сентябрь) эди.

Узун Иброхим-пошо улар ҳақида фақат узук-юлук маълумотлар сақланиб қолган атоқли

турк саркардалари каторига мансуб (тугилган санаси ва жойи номаълум). Унинг харбий фаолияти Усманийлар империясининг энг юкори харбий хизматчиларига хос эди. Келиб чиқиши албанлардан бўлган Иброхим ёшлигидан яничарлар орасида тарбияланган. Шуниси диккатга сазоворки, 1683 йилгача Усманийлар армиясининг бу элита ва энг жанговар пиёдалар бўлинмаси факат ислом динини қабул қилган насроний ёшлардан иборат эди. Иброхим-пошо фавкуллодда қобилят ва ажойиб фазилатларга эга бўлган кўринади, чунки 1665 йилда у харбий иерархия чўккисига кўтарилиб, яничарлар корпусига бош бўлди ва Багдоднинг Усманийлар пошосига айланди (1665-1667). Турк-Венеция уруши даврида Иброхим-пошо Крит оролига буюк вазир Фозил Ахмад-пошо кампаниясида қатнашган (1666). Яничарлар кўшинининг асосий қисми Грециядан йўлга тушишди. Харбий кампаниянинг максоди Ираклион қалъасини қўлга олиш эди. 1667 йилда яничарлар бошлиғи Крит пошоси этиб тайинланди. 1667 ва 1668-йилларда Ираклион атрофидаги халқа аста-секин қискариб борди. Француз кўшинлари қамал қилинганларга ёрдам бериш учун келди, аммо турклар денгиздан ўз позицияларига ҳужумларга қатъий қаршилик кўрсатди. Қатта йўқотишлардан сўнг, бир ярим ойдан кейин французлар жанг қилиш истагини йўқотган ва уйига сузиб кетган. Натижада, 1669 йилда Ираклион қулади ва Усманийлар империяси бутун оролни қўлга қиритди.

Иброхим-пошонинг харбий ютуқлари Султон саройида кўзга ташланмай қолмади, албатта. 1670 йил у Венгрия пошоси этиб тайинланди ва 1674 йилгача уни бошқарди. Шу билан бирга, у ўнг-соҳил Украина учун Польшага қарши урушда (1672-1674) фаол иштирок этди. Қрим хонлиғи Усманийлар империясининг иттифокчиси эди. 1676 йилда Польша-Туркия уруши тугади. Речь Посполитая Подолье ҳудудини (Украина жануби-ғарби ва Молдова шимоли-шарқида) Усманийлар империясига топширди ва ҳар йили 22 минг червон ўлпон тўлашга ваъда берди. Иброхим-пошо турк Подольеси бошқарувчиси этиб тайинланди.

Подолье қўлга олинганидан кейин туркларнинг муваффақияти Москвада ваҳимага сабаб бўлди, улар туркларнинг Россия назорати остида бўлган чап киргоқдаги Украинага бостириб қиришидан ҳавотирга тушишди. Натижада рус-турк уруши бошланиб, у томонларнинг галма-гал муваффақият қозониши билан давом этди. Яқунда улар таркибида Иброхим-пошонинг аскарлари ҳам бўлган Буюк вазир Қора-Мустафонинг кўшинлари Россия устидан ғалабага эришди, бироқ Австрия билан жанг қилиш учун кўшинларга муҳтож бўлган Султон Мехмед IV уруш ҳаракатларини тўхтатишга қарор қилди ва 1681 йил январь ойида Богчасарой шартномаси тузилди.

Усманийлар Ғабсбургаларга қарши урушга пухта тайёрланишди. Улар Австрияга ва ўз кўшинларининг таъминот базаларига олиб боровчи йўл ва кўприқларни таъмирлаб, бутун мамлакатдан қуро-яроғ, харбий техника ва артиллерия олиб қилишди. Турк кўшинларининг ўнг қанотини бошқарган Иброхим-пошо бошчилигидаги яничарлар корпуси ҳам асосий харбий ҳаракатлар майдонига ўтказилди.

1683 йилдаги Вена қамали тарихий адабиётларда яхши ёритилган. Турк армияси асосий баҳсни насроний қучларининг иттифокдош кўшинларини мағлуб этишга эмас, балки шаҳарни тезлик билан қўлга олишга қаратди. Уларни мана шу ҳалок қилди. Усманийлар кўшинлари нафакат жисмоний ҳолдан тойганди, балки деворларни бузиб, шаҳарга ёриб қиришга уриниш амалга ошмаганидан кейин тушқунликка тушганди. Натижада Султон кўшинлари чекинишга мажбур бўлди. Муваффақиятсиз қамалда айблов асосий харбий раҳбарларга қўйилган. Буюк вазир Қора-Мустафо ва яничарлар бошлиғи Иброхим-пошо

катл этилди. Буюк Усманийлар империясининг таназзули бошланди.

Абу Муслим таржимаси